



Олий Мажлисининг XIII сессияси олдида

Муаммолар ечимини излаб...

Халқимизда «Ери бойнинг — эли бой» деган пурмаъно нақл бор. Дарҳақиқат, инсон ерга қанчалик меҳрини бериб қарар экан, шунчалик кўп ҳосил кўтаради. Ундан келадиган мумай даромад эвазига эса турмуш фаровонлиги таъминланади. Лекин ер ҳақиқий эгасини топмаса, унинг умрига завоҳ бўлинади. Шунинг учун мамлакатимизда фермерлик ҳаракати кенг йўл берилди. Қуварнари томони, фермерларнинг эришадиган ютуқлари бу энг мақбул йўл эканлигини исботламоқда.

Президентимизнинг шу йил 24 мартда имзолаган «Кишлоқ ҳўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги ҳамда 27 октябрдаги «2004-2006 йилларда фермер ҳўжалиқларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги фармонлари айнан соҳада фермерларнинг эркин фаолият кўрсатишининг ҳўқуқий базасини таъминлашга қаратилган. Мазкур фармонлар кишлоқ ҳўжалиги субъектлари фаолиятига тааллуқли мавжуд қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни тақозо қилади.

— Бу, аввало, «Фермер ҳўжалиги тўғрисида»ги, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуларни тақомиллаштиришдан иборат, — дейди парламентнинг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси раиси ўринбосари Бахтиёр Олимжонов. — Айтишим мумкин, бу ўзгартишлар фермер ҳўжалиқларини ташкил этиш, ер ажратиш тартибларини аниқ белгилаб қўйиш, ерни ижарага олиб ундан унумли фойдалана олмаётганлардан қайтариб олиш, ер бериш муддатларини кўриб чиқиш масалалари, маҳаллий ҳокимликлар ваколатлари ва масъулиятлари, кишлоқ ҳўжалигида дахлдор қорхона ва ташиқотлар билан фермерларнинг ҳўқуқий муносабатларининг мейвдорлигини ишлаб чиқиш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланиш тартиблари қайтадан кўриб чиқилмоқда. Шу кўнларда таниқли мутахассис ва олимлар, ишлаб чиқарувчилар фикрлари инобатга олинаётганини ҳам айтиб ўтиш лозим.

Бундан ташқари, қўмитамизнинг иш режасига кўра, Навоий вилоятида «Ер кодексининг ижроси билан танишдик. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, кодекс талабларига асосан бирмунча ишлар бажарилган. Лекин ўрганиш жараёнида айрим туманлар ва ҳўжалиқларда ерга бўлган муносабат ҳали ҳам ўзгармаганлиги кишини ўйга толдиради. Негаки, суғориладиган экин майдонлари кишлоқ ҳўжалигида асосий даромад манбаи ҳисобланади. Агар ердан кўнгилдадек фойдаланилса, экинлар ҳосилдорлиги оширишдан келадиган фойда ҳисобига аҳолининг турмуш тарзи яхшиланиб, кишлоқлар обод бўлиб боради. Аммо вилоятда деҳқончилик ишларини кузатиб, ердан фойдаланиш даражаси йилдан-йилга пасайиб бораётганлигининг шохиди бўлди. Масалан, мавжуд коллектор ва ёпиқ дренажлардан унумли фойдаланилмаётган. Оқибатда ернинг мелиоратив ҳолати пасайиб, шўрланган майдонлар кескин ортиб бормоқда. Устига-устак, суғориладиган экин майдонлари қонун талабларига эид равишда уй-жой ва бошқа қурилишлар қилиш учун ажратиладиган нима дейсиз? Бу каби муаммолар бошқа вилоятларда ҳам йўқ, деб айтолмаймиз. Шунинг учун мамлакатимизда ердан фойдаланиш, кишлоқ ҳўжалигида ислохотлар жараёнини тезлаштириш, муаммоларни ўрганиш ва унинг ечимлари га илмий жиҳатдан ёндашиш мақсадида Бозор ислохотлари илмий-тадқиқот институтида конференция ўтказдик. Конференцияда иқтисодиётимизда етатқи тармок бўлиб қолаётган пахтачиликдаги доллар муаммолар, йўл қўйиладиган камчиликлар ўрганилди.

Сув — ҳаётимиз манбаи. Шунинг учун, хоҳ деҳқончилик, хоҳ истеъмол учун ишлатайлик, оби ҳаёт исрофгарчиликка йўл қўймадик инсонийлик бурчимиздир. Қўмита ташаббуси билан Нукусда ўтказилган минтақавий семинарда жойларда сувдан қандай фойдаланилаётгани, бу борада орттирилган тажрибалар, томиркаларга сув тақсимлаш усуллари, тоза ичимлик сув ҳисобларини олиб бориш масалалари бўйича фикрларини олинди. Семинар якуни бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар жойларга амалиётда қўллаш учун юборилди.

Худойберди ЭШМАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Эл нетиб топкай мениким...»



Ҳазрат Навоийнинг «Эл нетиб топкай мениким, мен ўзимни топмасам» деган сатрларини ўқиганимда Жарқўргондаги «Маман» фермер ҳўжалиги раҳбари Бўрон Бойқулов кўз ўнгимда гавдаланади. Чунки у меҳнати ҳамда ақл-идроки билан ўзини топган ва қадрини билган инсонлардан. Зеро, инсон ўз қадрига етгандагина бировни қадрлай олади ва ўзгалар ҳам унинг иззатини жойига қўяди. Эл олқишини олиб келатган фермер «Отамнинг дуолари билан муваффақиятларга эришганман», дейди камтарлик билан. Фермер тасарруфидаги 16 гектар галладан ҳам, 10 гектар ердаги пахтадан ҳам мўл ҳосил етиштирди. Ҳозирдаёқ ҳосилдорлик 50 центнерга яқинлашиб қолди. Бу тадбиркор инсон, бундан ташқари, 150 бош қорамол парваришлаб, аҳолига арзон ва сифатли ўшт өтказиб беришини ҳам ўз зиммасига олган.

СУРАТДА: «Маман» фермер ҳўжалиги раҳбари Бўрон Бойқулов отаси Маман бобо билан. Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Алломага бағишланган анжуман

(Давоми. Боши 1-бетда).

издошлари Баҳоуддин Нақшбанд, Сўфи Чўян ва Ҳўжа Лангар зиёратгоҳлари қайта таъмирланиб ободонлаштирилди, мутафаккир қаламига мансуб асарлар ўзбек тилида чоп этилди, алломанинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган илмий-оммабоп асарлар, фильмлар яратилди.

Кеча Бухорода юбилей тантаналари доирасида республикамизнинг етатқи олимлари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида «Абдуҳолиқ Гиждувоний

маданий юксалиш, тасавуф фалсафаси тараққиётида Абдуҳолиқ Гиждувоний меросининг ўрни ва аҳамияти, аллома асос солган ҳўжагон тариқатининг жаҳоншумул моҳияти, уларда инсонпарварлик ва қомил инсон тарбияси гоғлари, Гиждувонийнинг умумбашарий маънавий-ахлоқий таълимоти га қўшган ҳиссаси ва алломанинг рубоийларида поклик, ҳалоллик, инсонпарварлик каби фазилатларнинг таранум этилиши каби масалалар ҳақида гапирдилар.

Кизиқарли илмий баҳс ва мунозараларга бой бўлган анжуман якунида аллома илмий меросини ўрганишининг устувор йўналишлари, бу борада мутахассис олимлар ва илмий тадқиқот институтилари олдида турган вазифалар белгилаб олинди.

Илмий-амалий конференцияда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси З.Хўсидинов сўзга чиқди. Анжуманда Бош вазир ўринбосари А.Азизхўжаев иштирок этди.

Ўз мухбиримиз.

ОАК: тақомиллашув шартлари

Шу йил 21 ноябрь куни Олий аттестация комиссиясида ОАК Раёсати, илмий кенгаши аъзолари, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликлари раҳбарлари, илмий жамоатчилик вакиллари иштирокида ОАК илмий кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда ОАК фаолиятини тақомиллаштириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Мамлакатимиз илм-фан тизимида ОАКга улкан ва масъулиятли вазифалар юкланган. Илмий даражалар, унвонлар бериш, номзодлик ва докторлик диссертацияларининг ҳолис экспертизаларини ташкил этиш, иқтидорли тадқиқотчилар излаш ишларини долзарб мавзуларга йўналтириш шўлар жумласидир.

Йиғилишда илмий-тадқиқот натижаларини баҳолаш, расмийлаштиришга қўйиладиган талабларнинг аниқ белгилашни ўта муҳимлиги таъкидланди.

Шунингдек, илмий тадқиқот ишларининг аттестациясини ташкил этишни бугунги кун талаблари даражасига кўтариш учун ОАК доирасида қабул қилинаётган меъодрий ҳужжатларнинг амалдаги қонунларга мослигини таъминлаш, муаммолар ечимининг коллежал хал қилинишига эришиш, ихтисосликларнинг сон ва йўналишларини тўғри белгилаш, ОАК фаолиятининг изчил, бир маромада бўлишини таъминлаш, диссертациялар

ҳимояси билан боғлиқ ҳужжатларни расмийлаштиришда тўсиқларни бартараф этиш, Ихтисослашган ва Эксперт кенгашлири фаолиятини танқидий таҳлилдан ўтказиш, янги ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлаш учун қўшимча имкониятлардан фойдаланиш, жумладан, бирлашган Кенгашлар ишини ташкил этиш, диссертациялар сифатига талабни тўбдан қучайтириш каби муаммолар муҳокама қилиниб, уларни хал қилиш бўйича тегишли вазифалар белгилаб олинди.

М. САФАРОВ.

ХАТЛАР сўзлайди



Дардинг ариганда...

Ўпкамдаги сурункали шамоллаш туфайли кўп йиллардан буюн даволаниб келаман. Яқинда Бўстонликдаги «Товоқсой» санаторийсида дам олдим. Бу ерда даволаниб кетган биродарларим мазкур масканнын шарт-шароитлари ҳақида гапирдишганида, очиги, унча ишонмаганим. Ўзим келиб, гувоҳи бўлдим. Ҳаммадан ҳам бу ердаги шифохорларнинг ҳўшумомаласи, меҳр билан даволани беморга гўё жон бағишлайди. Санаторий раҳбарларига, барча тиббиёт ходимларига ўз ташаккуримни билдираман. Илоё, қўллари дард кўрмасин.

Ражаббой РЎЗИЕВ, Олот тумани.

Ичимлик сувга қачон ёлчиймиз?

«Хоразм» ширкат ҳўжалигида жойлашган кишлоғимизнинг барпо этилганига кўп бўлгани йўқ. Бироқ кишлоғимиз кўчалари ҳануз асфальтланмаган. Бу йўллардан қишда лой кечи, ёзда эса чанг ютиб ўтиша тўғри келади. Кишлоқ аҳлини қийнаётган яна бир муаммо — тоза ичимлик сувининг йўқлиги. Сув қувурининг ўтказилганига анча вақт бўлган, лекин негадир иш охирига етказилмаган. Биз бу масалалар билан мурожаат қилиб борманган жойимиз қолмади. Ниҳоят, «Обод маҳалла йили»да бизнинг кишлоқ ҳам обод бўлармикан, деган ниятда сизларга мактуб йўлладик.

А.ЭРИМОВ ва бошқалар, Хоразм вилояти, Хонқа тумани.

Снажиш бўлмаепти

Фаллаорол тумани марказидан 70 километр узокликдаги кишлоқларда яшаймиз. Бир неча йилдирки, бизни табиий газ муаммоси қўйнамоқда. Энг ажабланирлиси, республикамизнинг бошқа вилоятларига борган катта сизимли газ қувури айнан бизнинг худуддан ўтган. Ҳўжалигимиз марказига табиий газ келганига 3 йил бўлди. Бир неча бор қўлимиздан келганга пул йиғиб бердик. Қувурлар келтирилиб, монтаж ишлари бошлаб юборилганди. Аммо кўп ўтмай улар тўхтаб қолди. Биз бу масалада мутасадди ташкилотларга мурожаат қилдик. Лекин ишда ижобий сийлшш сезмаепти.

Жиззах вилоти, Фаллаорол туманидаги Рамазон, Қоратош, Янгиобод, Турк, Шўрча кишлоқлари аҳолиси номидан

Ў. УМУРЗОҚОВ ва бошқалар.

Сукутдаги радиокарнайлар

Ҳаммамизга маълумки, оммавий ахборот воситалари кенг оммага ахборот өтказиб беришда муҳим ўрин эгаллайди. Қашқадарё вилоятининг айрим туманлари, хусусан, Китобда эса ахборот манбаи — радиолар фаолияти тўхтаб қўйилган. «Қашқадарётелеком»нинг туман филиали раҳбарларининг лоқайдлиги туфайли радио эшиттиришни эфирлаштириш юзасидан чора-тадбирлар қўрилмапти. Барча радиосимлар йиғиштирилиб олинган. Бу ҳақда бир неча бор вилоят ва туман ҳокимлигига мурожаат этдик. Лекин ҳануз бу муаммо ўз ечимини топгани йўқ.

Ҳолида ЖАББОРОВА, Китоб тумани.

Ходиса

Она илон

Бу ҳодиса баҳор фаслининг қуёш чарақлаб чиққан кўнларининг бирида содир бўлди. Саранжом-саришта кишлоқ ҳовлиси. Унинг ўртасида пастакина узумток. Чархида эса сут солинган коса осиглиқ турибди. Ток ёнидаги сўрида, кекса бир отахон ўзи етиштирган нўхотларни саралаган қўйи хаёл суриб ўтирибди. Бирдан унинг нигоҳи девор тагидан ўрмалаб чиқаётган она илон ва икки боласига тушди. Отахон уларни кузата бошлади. Илонларнинг ҳаракатидан улар қуёш иссиғида яйраётганларни кўрнарди. Она илон болаларидан узоклашганда, отахон ўчоқ устида турган бўш қозонни олиб, илончалар устига ёпиб қўйди ва воқеани кузатишда давом этди.

Болаларини топа олмаган илон токка ўрмалаб чиқиб, коса ичидаги сутга захрини томизди. Отахон эса вазиятдан фойдаланиб илончаларни озод қилди. Пастга тушган қасоскор илон болаларини кўриб, қилган ишидан пушаймон бўлгандай, ортга қайтди. Косадаги сут осилган ипни тишлаб узди. Коса ерга тушиб чил-чил синди. Отахон эса жониворнинг болаларига бўлган меҳрини кўриб хайратда қолди.


Қодиржон МЎМИНОВ, Фарғона тумани.

Газетада босилмади, аммо...

Назорат ўрнатилди

Қосонсой тумани, «Ёшлик» кишлоқ фуқаролар йиғини, «Жар» маҳалласи аҳолиси тахририятга хат йўллаб, унда мазкур худудда ичимлик сувининг тақчиллиги, электр энергия, газ таъминотидаги салбий ҳолатлар ҳақида ёзишган эди. Наманган вилоти ҳокимининг ўринбосари А.Ф.ОЗИЛОВ имзоси билан қўлган расмий жавобда таъкидланишича, «Ёшлик» фуқаролар йиғини «Жар» маҳалласи Қосонсой туманидаги янги маҳаллалардан бўлиб, 1998 йилда «Қосонсой» ширкат ҳўжалиги худудидан аҳолига яқка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари ажратилган.

Маҳаллада электр таъминотини яхшилаш мақсадида туман электр тармоклари қорхонаси томонидан электр сиймёгочлари ўрнатилган ва сийм тортиш ишлари якунланмоқда. «Қосонсойтелеком» томонидан тўқизта сийм ёғочга траверс ўрнатилган ва яқин ўртадаги АТСдан 2300 метрга сийм тортилиб, ҳужжатлари расмийлаштирилган абонентга улаш чоралари қўрилмоқда. Туман дастурига асосан 2004 йилда маҳаллада ичимлик суви ва табиий газ тармокларини тортиш ишлари режалаштирилган. Вилоят ҳокимлиги «Жар» маҳалласи аҳолиси мурожаатининг тўла бажарилиши ва назоратини Қосонсой тумани ҳокимлигига топширган.



Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган сурат.

(Давоми. Боши 1-бетда).

остига қўқилаётган бакуват темир-бетон устунлар ер қатъига 33 метргача ботмоқда. Улар ҳар қандай босим ва оғирликка дош бера олади. Кўприк ўтиш қисмининг кенглиги 7,7 метр бўлиб, пўлат излар автомобилларга ҳалал бермайдиган қўлиб ўрнатилган. Енгий машиналар пўлат излар ёнидаги бетон қопламадан, оғир юк машиналари эса махсус лойиқа бўйича жуда пўхта иҳоталанган темир излар устидан ўтади.

Бир сатрнинг мазмуни

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 6 августдаги «Навоий-Учкудук-Султон-Увайистон-Нукус» янги темир йўл линиясини қуриш ва реконструкция қилиш тўғрисидаги қарориди, жумладан,

КўПРИК — ҚУДРАТИМИЗ РАМЗИ

«Хоразмга ўтиш йўли таъминлансин» деган биргина сатр бор. Бу жумланинг замирида қанчалик катта маъно борлигини бугун ниҳоясига етаётган кўприк қурилиши кўрсатиб турибди.

Собиқ шўролар замонида темир йўл ва автойўлларнинг бир республика худудидан ўтиши масаласи узокки ҳақиқат юритилган қалтис сийсатнинг талаби бўлган. Бироқ мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг чегарадош давлатлар худудини кесиб ўтиб, яна ўз худудимизга кирадиган йўллардан фойдаланганимиз учун қўшилмага каттагина маблағ тўлайдиган бўлиб қолгандик. Шу маънода, саҳронин кесиб ўтган янги йўлнинг қурилиши ва ишга туширилиши жуда катта аҳамиятга эга. У Устюртдаги чегараларимизга бўлган худудда темир йўлнинг яхлитлигини таъминлади. Лекин, афсуски, бу йўлдан Хоразм четда қолаётган эди. Хоразмга келиб-кейтиш учун барибир қўшилмага худудидан ўтишга мажбур бўлаётгандик. Ҳукумат қароридида биргина сатрнинг мағзи шунда! У Хоразмин йўллар масаласида мамлакатимиз билан яхлитлаштириш вазифасини ўтамоқда. Пировадига Хоразмга келаятган ва ундан олиб чиқиб кетилаятган юкларнинг ташин таннархи анчагина арзонлашади.

«Кўприк қурилиши бошлангани билан Мискин ана шу йўлдаги энг йирик чорраҳабекатлардан бири бўлиб қолди. Бу бекатда Туркменистондан, Хоразмдан, Қорақалпоғистондан, янги йўл орқали мамлакатимизнинг ички худудларидан келаятган поездлар учрашади. Шу ерда юклар сараланади, локомотивлар алмаштирилади, машинистлар узок йўлдан сўнг хордик чиқаради.

Айниқса, бугунги кунда бекат ишчилари учун қуриляётган шинам коттежларга кишининг ҳаваси келади. Тез орада бу ерда мактаб, боғча, спорт иншоотлари, яшил дам олиш масканлари пайдо бўлади.

Кўрна Тошоқа шаҳарчаси яқинида, Амударё устида барпо этиладиган кўприкнинг қурилиши 2002 йилнинг октябрида бошланган эди. Бугун у даярли тайёр бўлиб қолди.

Баҳайбат устунлар нигоҳларини тортади. Унлаб устунларнинг хар бирига бир неча одамнинг қулочи базур етади. Шу даражада баҳайбат! Устунлар эмас, гўё мозийдан Шайх Нажмиддин Кубро, Пахлаван Маҳмуд, Хожа Абдулавоф Хоразмий, Муҳаммад Ризо Оғахийларнинг руҳлари устун бўлиб чиқиб, кифтлариди кўприкни ишон билан ушлаб тургандай.

Ҳазорос' элини, Жайхун бўйина Темирқанот қушдек тушди бу кўприк. Топе қулиб элнинг орзу-уйина, Қуш қирғоқни суйиб қучди бу кўприк, Афсонага сурат қушди бу кўприк.


Чингиз бир вақт қўшин санаган жойда, Доро косов қуш тунаган жойда, Тумарис қасос деб уннаган жойда, Неца тарихларни очди бу кўприк, Азал жумбоқларин ечди бу кўприк.

Неца султон Синжор қаҳрин ютган жой, Калбага Қарвақдан олма кетган жой, Дулдур ҳатлаганда елка тутган жой, Мухандис халқининг шаҳиди бу кўприк, Ер севган элларнинг шашти бу кўприк.

Гоҳ эл билан элни бир тил боғлайди, Гоҳ неча қавмини бир эл боғлайди, Гоҳ икки дилини бир гул боғлайди, Урққа йўлларни сочди бу кўприк, Воҳани ошиқдек қучди бу кўприк.

Хоразм белинда олтин камар бу, Интилган жонларга толе-самар бу, Юрган — дарё! Азми қучган зафар бу, Рўхга пўлат издек тушди бу кўприк, Буржларни биздек қучди бу кўприк.

Майли, меҳмон келсин дунё тоmidан, Фалак, эврил бугун шоир командиан, Юртбошим номидан, халқим номидан Дунёга дастурхон очди бу кўприк, Қуш қирғоқни суйиб қучди бу кўприк.



Кинематографиячилар кун тартибда икки масала бот-бот кўйиб келинади. Уларнинг бири ёшларни мазкур соҳага тайёрлаш, ижодкорларнинг малакасини ошириш бўлса, иккинчиси сценарий муаммосидир. Ёшларнинг фикр-мулоҳазаларини, кинога эътиборини қўриб келадиганларнинг илк асарларини синчиқлаб ўрганиш, батафсил таҳлил қилиш, уларнинг юрак дардларини эшитиш киночилар олдига турган энг муҳим вазифалардандир.

Ҳилол Насимовнинг кинорежиссурага кириб келиши адаббевитимиз ҳамда мусиқа санъатимизнинг ёдгорликлари билан бевосита боғлиқ бўлди. «Ёдгор» кассаси кинодраматургия ва кинорежиссурада машқ қилаётган ёш санъаткорга ижод мактаби хизматини ўтади.

Ф.Фулмоннинг насрий асарларида мавжуд бўлган

кино манбаларини дарҳол илғаб олиш, улардан фойдалана билиш учун адаббевитимиз, аудиовизуал санъатлар ҳамда уларнинг назарий асосларини ўрганиш методологиясини ўзлаштириш талаб этилади. Шу нуқтага назардан қисса бетма-бет ўрганилса, уларда ҳозирги телесериалларда кўп қўлланилаётган фабула – воқеалар тизмаси, қамраб олинган даврнинг катталиги, таърифи ва тавсифи берилган қахрамонларнинг сони мўллиги ҳам кўзга ташланади...

Қиссанинг яна бир фазилатини айтиб ўтиш зарур. Мазкур асарнинг ўз мусиқаси бор. Аниқроғи, унда таърифланган муҳит ҳамда қахрамонларнинг ҳаёти, ўзаро муносабати, лирик, драматик воқеалардаги иштироки, ўз ўрнидаги ҳазил-мутойиба – булар халқ куйлари ва уларга яқин бўлган тароналар жўрлигида тасвирлангандек...

Мусиқа ёмонликдан асрайди

Шу каби ўйлар билан видеофильми кўрдик. Сунгра унинг муаллифи ва режиссёри Ҳилол Насимов билан суҳбатлашдик.

— **Ғафур Фуломдек зарбадас адиб асарини экранга кўчиришда, аввало, актёр танлаш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис ҳар бир роль ижросининг юриш-туриши, хатти-ҳаракатини диққат билан кузатиб бордик.** Раъно Зокированынг Меҳрига ишондик. Алишер Ҳамроевнинг Жўрасида эҳтирос ва вазибликни, самимиятни кўрдик. Саодат икки-уч эпизоддагина кўринса-да, Камола Умархўжаева талқинида мустақил образ даражасига кўтарилганидан хурсанд бўлдик. Лекин, менинг фикримча, У. Луқманова ролни қиймаги етказиб ўйнамагандек кўринди. Фильм томошабинга тақдим этилганидан кейин бу ҳақда ўйладингизми, уни қайта кўриб қоникдингизми?

— Сиз айтган айрим нуқсонларни ўзим ҳам сездим. Кўвв тўй арафасида уйга чақалоқ кўтариб келиб, онасига «Менинг болам», деса қизиқ-да. Бунда Жўра эмас, унинг онаси диққатимиз марказида бўлиши табиий бир ҳол. «Она нима деркин?» Ахир у кучи-кеча совчиликка борган. Саодат исмли қизни келин қилмоқчи бўлиб тўй таррадуида юрган эди-ку. Шундай дамда ўғли уйга чақалоқ кўтариб келиб, онасининг қўлига тутқазса. Бу эпизодда онанинг болага меҳри, ўғлига шубҳа билан қараши, эрта-индин тўй бўладиган хонадондан чақалоқ овози чиқишидан ҳадиксираши, фарзандини қиймоқчи, гўдакни овутирмоқчи бўлгани... Хуллас, ҳис-ҳаяжон, таажуб, дарғазаблик, болажонлик каби ҳолатни бир вақтнинг ўзига бериш керак. Бунинг

— Бу ҳақда ўйламаган эканман. Композитор кадрларнинг мазмундан, Меҳрининг маънос қайфиятидан келиб чиқиб куй басталаган.

— **Ғ. Фулом асарлари экранга камдан-кам кўчирилади. Ваҳоланки, унинг ижодида кўп серияли фильмларга асос бўладиган сюжетлар, қахрамонлар қийфасини ҳар томонлама очиб берадиган воқеалар етарли. Бундан «Ёдгор» кассаси ҳам истисно эмас.** Қиссан сценарийга, сунгра фильмга айлантираётганингизда бунга аҳамият бердингизми?

— Ҳозир, сиз билан суҳбатлашганимизда қиссаннинг «катлам-катлам» воқеалари ёдимга тушди. Ҳақиқатан ҳам, уларнинг ҳар бири сценарийда ривож топиши мумкин...

— Шундай экан, адаббевитимиз дурдоналари экранда ҳам узок умр кўриши ҳақида ўйлашимиз, қайғуршимиз зарурдир. Шу пайтгача Мавлоно Алишер Навоийнинг бирорта асари фильмга айлантирилган, нима дейсиз? «Лайли ва Мажнун» асосида иккита сценарий ёзилган, лекин экран нурини кўрмаган... Ёки Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар»и ҳар бири 30-35 дақиқалик юзта видеофильмга айланиши мумкин. Чўпон, Фитрат асарлари, ўйларини-чи!

Айтинг-чи, биз яқингида кўрган яна бир фильмнинг, «Мўғулча Бузрук» («Сеғоҳ») мусикали видеофильмининг яратилишига нима туртки бўлди? — Шахисабзда ёш болалар мусика раҳбари билан «Мўғулча Бузрук»ни айтишнинг урганибди. Тингладик. Таъсирландик. Ўша аҳовий мусика асарини ижро этаёт-

Кино

Ўлгуржи харидорлар ва енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрдаги «Ярмарка савдосини ташкил этишни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва 2003 йил 31 октябрдаги қўрсатмасига биноан шу йил 2-5 декабрь кунлари Тошкент шаҳридаги «Ўлгуржасавдо» жаҳияти биносида «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси, «Ўзбекчармпоабзали», «Ўзбек ипаги» уюшмалари корхоналари ҳамда Республика товар ишлаб чиқарувчилар ва тadbirkорлар палатаси тармоқлари томонидан 2004 йилда ишлаб чиқариладиган



Ҳўлим-кочақлар, пойабзан, чарм-ақторлик, газлама, чинни буюмлар, панама, спорт молялари ва бошқа халқ истеъмолчи товарларига

Мулоқот учун телефонлар: 139-10-93, 139-10-25.



республика ҳудудида жойлашган, мулкчилик шаклидан қатъи назар, истеъмолчилар билан шартномалар тузиш

Ўлгуржи-савдо ярмаркаси ўтказилади.

Ушбу ярмаркага барча енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ҳамда савдо корхоналари, ташкилотлар, кичик ва ўрта бизнес вакиллари, тadbirkорлар тақлиф этилади.

Ярмаркага марҳамат!

ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

КАРБИД КАЛЬЦИЯ Фракция φ 25 + 80 с/м/кг

реализуют со склада в Ташкенте

700 с/м/кг

Оптовым покупателям предоставляются СКИДКИ

ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИЛЕР СП «ОСИЕ-БАТАРЕЯ»

АВТОШИНЫ И АККУМУЛЯТОРЫ

(пр-ва «Нижнекамская») (пр-ва СП «Осие-Батарея»)

• 260 X 508R (ж-т) грузов. 12V (36,60,72,90,105,132,150,190, 200) по цене завода изготовителя.

• 7,5 X 20 (шт.) с/х шины

0000

Т.: 133-56-11, 133-55-61. Ф.: 133-89-09, 133-89-15.

ХАЛҚ БАНКИ – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

Фаргона вилояти Фаргона шаҳрида жойлашган

«ФАРГОНАШАРОВАВДО» ШУЪБА КОРХОНАСИ

Вилоят хўжалик судининг 2003 йил 11 ноябрдаги 15-03-04/42-73-сонли ажримига асосан 2003 йилнинг 5 декабрида банкротлик масаласи кўриб чиқилиши муносабати билан кредиторларнинг биринчи йиғилиши 2003 йил 2 декабрь кuni соат 13.00да қуйидаги манзилда ўтказилади:

Фаргона шаҳри, А.Навоий кўчаси, 18-уй, Фаргона вилояти иқтисодий почтор корхоналар ишлаб чиқариш хўжалик бошқармаси, 442-хона.

Телефонлари 23-71-712, 23-44-70.

“TEZINTOM” ЎЗБЕКИСТОН-GERMANYA ҚҚ

ЎЗ ХАРИДОРЛАРИГА ИЛГОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН КўРИЛИШ АНЖОНЛАРИНИНГ ЎТА ЗАМОНАВИЙ ТУРЛАРИНИ ТАҚЛИФ ҚИЛАДИ:



ТУРАЙ РАНГАДЛИ УТА ЗАМОНАВИЙ ТОМ ШИҚИЧ АНЖОНЛАРИДАН ИБОРАТ БУЛАМИШ ТОМАЛАР ТУРАЙ КОМПЛЕКТАРИНИ ТОПШИРИШ

«ТЕЗИНТОМ» қўшма корхонаси маҳсулотларининг нархлари сезиларли қамайтирилган

Тел.: (998 71) 162-42-47, 162-78-59, 162-42-74. Факс 162-41-05. E-mail: tezintom@qtoqolnet.uz

«Халқ сўзи» «Народное слово»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Аббосхон УСМОНОВ**

Тахрир хайъати: **Э. БОЛИЕВ** (масъул котиб — «Халқ сўзи»), **П. ДЮГАЙ**, **Ш. ЖАББОРОВ** (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), **М. МИРАЛИНКО**, **С. МУҲИДИНОВ**, **Ш. РИЗАЕВ**, **А. САИДОВ** (бош муҳаррир ўринбосари вазифасини бажарувчи — «Народное слово»), **М. САФАРОВ**, **О. ҚАШПЕРГЕНОВ**, **А. ҲАЙДАРОВ**, **Ҳ. ҲОШИМОВ**.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-57-34; 133-78-92

Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65

Маънавият ва маърифат — 136-35-60; 133-52-55;

Газетхонлар билан алоқа ва минабақар — 133-10-17;

Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15; 132-12-08

Котибият — 133-10-28;

Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.

Буюртма Г — 0066, 22589 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета тахрират компьютер базасида терилди ҳамда оператор **Ж. ТОҒАЕВ** томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — **Ю. ҲАМИДОВ**. Навбатчи муҳаррир — **А. ҲАЙДАРОВ**. Навбатчи — **С. ҲАЙДАРОВ**. Мусахрих — **Ш. ШАҲРАББОЕВ**.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахриратда ҳамми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинади.

— тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилади — 1.00. 1 2 3 4 5

ХАЛҚ БАНКИ

«ОБОД МАҲАЛЛА» йили муносабати билан «Маҳаллам — фахрим менинг» жамғарилувчи, ютуқли омонат турини ТАҚЛИФ ЭТАДИ.

Омонатга пул маблағлари жорий йилнинг 20 декабригача Халқ банкнинг барча муассасаларида қабул қилинади. Сиз омонатингизга ҳисобланган фойз даромадларини олиш билан бир қаторда 500 000 сўмлик ютуқ соғирдорларидан бири бўлиш имкониятига эгасиз.

200 Ютуқлар тиражи Республика «Маҳалла» жамғармасининг тавсиясига кўра намунали маҳаллаларда ўтказилади.

ОМОНАТИНГИЗНИ ИШОНЧЛИ БАНҚДА САҚЛАНГ ВА КўПЛАЙТИРИНГ!

Мурожаат учун телефонлар: 173-69-15, 173-69-16 (ички тел.: 126, 111, 109).

Диққат: «ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ!»

Хурматли ҳамюртлар!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги 667-Ф сонли фармойишига асосан халқ хўжалиги масканлари ва аҳоли турар жойларида ёнгин хавфсизлиги тadbirkорлари кучайтириш мақсадида 20 ноябрдан 20 декабрга қадар республикада «Ёнгин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилади. Унга асосан ҳар биримиз бу даврларда ўзимизнинг яшаб турган хонадонларимиз, турар жойларимиз ва иш жойларимизни яна бир бор кўздан кечириб, ёнгинга олиб келувчи камчиликларни бартараф этиш чораларини кўришимиз, ёнгин хавфсизлиги талабларининг тўлиқ бажарилишига эришимиз талаб қилинади.

Азиз ватандошлар!

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ёнгин хавфсизлиги қондаларига риоя қилиш билан сиз давлат ва шахсий мулкнинг ёнгин балосидан асраган, шунингдек, иқлиларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги «Ёнгин хавфсизлиги бош бошқармаси» «Ёнгин хавфсизлиги ойлиги» тadbirkорларининг ўтказилишида фаол иштирок этган ташаббускор иртдошларимизга олдиндан самимий миннатдорчилик билдиради.

«PGS» хусусий корхонаси

қуйидагиларни ишлаб чиқаради ва сотади:

- Кичик новвойхона, унумдорлиги — СОАТИГА 64 ТА БУХАНКА НОН;
- ЭЛЕКТР ўчоғи, МАИШИЙ ВА САНОАТ ҚОЗОНИ ОСТИГА;
- ЭЛЕКТР ИСИТГИЧ-КАЛОРИФЕРЛАР МАИШИЙ 20 ҚВ.М, САНОАТ 200 ҚВ.М;
- ЭЛЕКТР САНДАЛ (ТАНЧА);
- КАБОБ ТАЙЁРЛАШ УЧУН ЭЛЕКТР УСКУНА;
- САУНА УЧУН ЭЛ.ЖИҲОЗ;
- МАКАРОН МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚУРИТИШ УЧУН УСКУНАЛАР.

Товар сертификатланган, экологик тоза.

Телефонлар: 79-38-54, 79-15-70, 79-25-23.

Акциондорлик тижорат «Туронбанк» жамоаси Жиззах филиали бошқарувчиси Улуғбек Раҳмоновга отаси **Эржабон РАҲМОНОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг депоизи жамоаси Президент Давлат маслаҳатчинининг биринчи ўринбосари Исмомов Умар Сапаевичга отаси **Сапа ота ИСМОИЛОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдаралик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг депоизи Ишлар бошқармасининг Хўкумат уйдан фойдаланиши бошқармаси жамоаси бошқарма ходими Барот Қаримова қизи **ГУЛСАНАМ**нинг вафот этганини муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Иқтисодий институтининг жамоаси кадрлар бўлимининг бошлиги М. Бектаевага отаси **Ибодат АКБАРОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзметасабавотузумсаноат-холдинг» компаниясининг жамоаси компаниянинг масъул ходими **Жавли Ҳақимовга** укасини **Обой НАЗАРОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат юридик институтининг жамоаси юридик фанлари доктор профессор **Турсун ТЎЖИЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдаралик изҳор этади.